

The background features a complex, layered design. At the top, there are faint, light blue gears and arrows pointing in various directions. A prominent feature is a large, semi-transparent gear that frames the central text. In the center, there is a vibrant orange and yellow circular graphic with a gear-like edge, surrounded by several overlapping circles. Below this, a cluster of blue and dark blue rectangular blocks is arranged in a semi-circular pattern. The overall aesthetic is technical and scientific.

SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 4, ISSUE 5

MAY 2023

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 4, ISSUE 5

MAY 2023



www.openscience.uz

196.	Шерзод Ҳамроев Банк рискларини олдини олиш ва минималлаштириш масалалари	1363
197.	А.Ибрагимов, Ж.У.Холмўминов Бюджет ташкилотларида бюджет интизомига риоя қилинишини такомиллаштириш масалалари	1373
198.	Suxrob Rustamovich Allayarov, Umrzoq Jamoliddinovich Ro'ziyev Byudjet tashkilotlari faoliyati ustidan moliyaviy nazoratni amalga oshirish istiqbollari	1385
199.	Sirojiddin Abdukayum o'g'li Davlatyarov Davlat qarzini boshqarish masalalari	1393
200.	Sarvinoz Sharifjonovna Mamadjonova, Dilobar Toshpulatovna Sharofutdinova Exploring the empowerment equation: analyzing the intersection of women in managerial positions and womenowned firms	1400
201.	Gulnoza Nig'mat qizi Normatova Byudjetdan tashqari pensiya jamg'armasi moliyaviy holati tahlili	1407
202.	Shuhrat Botirjon o'g'li Abdulazizov Aksiyadorlik jamiyatlarining korporativ moliyaviy strategiyasi va ularning moliyaviy holati tahlili	1417
203.	Nasrulla Tashmuratovich Tilabov O'zbekistonda davlat-xususiy sherikligining rivojlantirish muammolari va istiqbollari	1429
204.	Nasrulla Tashmuratovich Tilabov O'zbekistonda soliq siyosatini takomillashtirishning ustivor yo'nalishlari	1439
205.	S.N.Xashimova, A.A.Abdikarimova Davlat-xususiy sheriklik mohiyati, ahamiyati va afzalliklari	1450
206.	Bobur Ruxiddin o'g'li Amirqulov, Barno Ismailovna Nurmuxamedova Davlat maqsadli fondlari moliyaviy resurslaridan samarali foydalanish yo'llari	1454
207.	Nasiba Komildjanovna Ismailova Mamlakat bank tizimining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash masalalari	1463
208.	Gulrukh Djumanazarovna Khasanova, Shermurod Dilmuratovich Bekmuratov Sanoat korxonalari - iqtisodiyotni rivojlantirishning drayveri sifatida	1470
209.	Gulrukh Djumanazarovna Khasanova, Sohibjon Sobirovich Sadirov Sanoat korxonalarining rivojlanishida mehnat resurslarining tutgan o'rni	1477
210.	X.M.Кулимова Маҳсулот импортида солиқ назоратининг аҳамияти	1484
211.	Alisher Baxtiyor o'g'li Islomov Бухгалтерия аутсорсерлар томонидан “дью-дилидженс” хизматини такомиллаштириш	1495
212.	Ф.Т.Эгамбердиев, Х.М.Исраилова Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий аҳамияти	1510
213.	I.T.Jumaniyazov, I.A.Mingboyev Gender budgeting and prospects for its implementation in Uzbekistan	1518
214.	Рухсона Махкамова Ҳодимларни бошқаришнинг хориж тажрибаси	1524
215.	Sherali Nuraliyevich Sulstonov Fond bozorini rivojlantirish orqali iqtisodiy taraqqiyotga erishish yo'llari	1533
216.	Учкун Ўроқов Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини оширишнинг ҳуқуқий асослари	1550

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий аҳамияти

Ф.Т.Эгамбердиев

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Х.М.Исраилова

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали

Аннотация: Мазкур мақолада республика қишлоқ хўжалигидаги, хусусан, мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш, тармоқда инвестицион лойиҳалар ва уларнинг тармоқдаги иқтисодий ўрни тўғрисида маълумотлар берилган. Мавзунини ёритишда миллий ва халқаро банклар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар алоҳида статистик рақамлар билан келтирилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотчилик тармоғи, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, инвестиция, инвестицион лойиҳа, иқтисодий самарадорлик

Economic importance of investment projects in the development of agriculture

F.T.Egamberdiev

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

H.M.Israilova

Almalik branch of Islam Karimov Tashkent State Technical University

Abstract: This article provides information on the development of the fruit and vegetable sector in the republic's agriculture, investment projects in the sector and their economic role in the sector. Projects implemented with the participation of national and international banks are presented with separate statistical figures.

Keywords: agriculture, fruit and vegetable industry, fruit and vegetable processing, investment, investment project, economic efficiency

Республика қишлоқ хўжалигида модернизациялаш жараёни ҳамда инновацион техника ва технологияларни жорий этиш иқтисодиётни ривожлантиришдаги асосий мақсадлардан биридир. Ушбу мақсадни амалга ошириш малакали ишчи ва мутахассисларга бўлган талабнинг юқорилиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг етарли даражада ривожлантирилишини тақозо

этади. Мазкур ҳолатлар қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, мева-сабзавот етиштириш ва уни қайта ишлашнинг иқтисодий маҳсулдорлиги ва самарадорлигини оширишда асосий мезонлардан биридир.

Қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибида бино-иншоотлар (30,3 %), машина ва ускуналар (25,2%), ишчи чорвалар (24,8 %) улуши анча катта, транспорт воситалари эса атиги 7,0 % ни ташкил этади¹. 2018 йилда қишлоқ хўжалигига киритилган асосий инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий ҳисса республика бюджетидан ажратилган маблағларга (32,9%), банк кредитлари ва қарз маблағларига (27,7%), корхона ва аҳолининг ўз маблағларига (19,5 %) тўғри келмоқда. Хорижий инвестиция ва кредитлар эса анча қисқариб, 8,9% ни ташкил этмоқда. Бу алоҳида ҳудудларнинг молиявий мустақиллигини ошириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар билан боғлиқ бўлиб, 2018 йилда бутун иқтисодиётга инвестициялар таркибида республика бюджетининг ҳиссаси 5,6 % ни, корхона ва аҳоли маблағлари эса 49,0 % ни ташкил этган.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) иштирокида амалга оширилаётган “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги №ПҚ-2410 - сонли ва 2018 йил 20 июндаги №ПҚ-3790 - сонли қарорларига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 989,12 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, шу жумладан: ХТТБ улуши - 650,00 млн. АҚШ доллари (65,7 %) Ўзбекистон Республикаси улуши - 183,93 млн. АҚШ доллари (18,6 %) Бенифициарлар улуши - 155,19 млн. АҚШ доллари (15,7 %) Лойиҳани амалга ошириш муддати -2015 - 2023 йилларга мўлжалланган. Лойиҳани амалга ошириш ҳудуди Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамизнинг барча вилоятлари. Лойиҳанинг асосий мақсади мева-сабзавотчилик тармоғи ҳосилдорлигини ва рентабеллигини ошириш, селекция, уруғчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий-текшириш институтлари салоҳиятини модернизация қилиш, маҳсулот сифати бўйича халқаро стандартларни жорий этишдан иборат. Лойиҳа 3 компонентдан иборат:

- 1-компонент. “Қишлоқ хўжалигига техник ёрдам кўрсатиш”.
- 2-компонент. “Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш.”
- 3-компонент. “Лойиҳани бошқариш”

1-компонент. “Қишлоқ хўжалигига техник ёрдам кўрсатиш”. Ушбу компонент доирасида ХТТБ кредит маблағлари ҳисобига Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

¹ Ўзб.Рес.Давлат стат.қўмитаси ва Фарғона вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

("Ўзстандарт" агентлиги) салоҳиятини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш тадбирларини амалга ошириш учун ажратилган:

- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтига истеъмол ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини синашга мўлжалланган лаборатория ташкил этиш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, биносини қайта таъмирлаш ва мутахассислар малакаларини ошириш;

- Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ҳамда 8та ҳудудий (Андижон, Бухоро, Кашкадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Чирчиқ шаҳри) синов ва сертификатлаштириш марказларини янги замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ва мутахассислар малакаларини ошириш белгиланган. Шунингдек, ушбу компонент доирасида илмий текшириш институтлари салоҳиятини ошириш мақсадида Европа Иттифоқининг 19,5 млн. Евро миқдоридаги грант маблағлари Ўзбекистон Республикаси ва ХТТБ ўртасида 2018 йилнинг 7 сентябрда имзолаган Грант битими асосида жалб этилган. Грант доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

- Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти, Ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институти, «Ўзбошдавқарантин» хузуридаги карантин илмий марказларининг лабораторияларини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш;

- Замонавий усуллар ва технологиялар ёрдамида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқиш, сақлаш, саралаш ва қадоклаш бўйича кўргазма майдонлари ташкил қилиш режалаштирилган. Компонент доирасидаги дастлабки тадбирларни амалга ошириш учун техник вазифалар 2018 йил IV-чорагида ишлаб чиқилди ва Жаҳон банки билан келишилди, тендер савдолари олиб борилмоқда. Ушбу компонент доирасидаги асосий тадбирлар 2019-2020 йиллар мабойнида амалга оширилиши режалаштирилган.

2-компонент. "Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш." Ушбу компонент доирасида лойиҳа ташаббускорларига қуйидаги мақсадлар учун имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган:

- Фермер ва деҳқон хўжалиқларига интенсив боғлар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун ҳосилдорлиги юқори бўлган интенсив кўчатлар ва уруғлар сотиб олиш;

- Томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш, интенсив боғлар учун талаб қилинадиган аксессуарлар ва ускуналар харид қилиш (шпалер, сим, сетка ва б.);

- Эски токзорларни янгилаш ва янги токзорлар барпо этиш;

- Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун совуқхоналар ва музлаткичлар, қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш технологиялари, ички ва ташқи бозорларга сотиш учун талаб қилинадиган айланма маблағлар;

- Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун мини-техника ва технологияларни харид қилиш;

- Турли ўсимликларни (жумладан, қизилмия, заъфарон, лакрица, қандаклар ва бошқа доривор ўсимликлар) етиштириш ва қайта ишлаш;

- Сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун иссиқхоналар ва боғлар ташкил этиш учун кўчатхоналар барпо этиш ва бошқалар.

Лойиҳа бошидан 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 404,29 млн. АҚШ долларлик 586 суб-лойиҳалар, жумладан:

- 243 065 тонна мева–сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича - 61-та суб-лойиҳа;

- 497 гектар майдонда замонавий иссиқхона барпо этиш бўйича - 264-та суб-лойиҳа;

- 194 096 тонналик музлатгичли омборхона қурилиши бўйича -188-та суб-лойиҳа;

- 5 656 гектар майдонда интенсив боғдорчиликни ривожлантириш йўналиши бўйича - 41-та сублойиҳа;

- тара-қадоқлаш ва бошқа йўналишлар учун - 32-та лойиҳа молиялаштирилган. Ушбу суб-лойиҳалар доирасида 11 966 янги ишчи ўрни яратилган.

Албатта кўзланган мақсадга эришиш учун, фикримизча, бир қатор вазифаларни белгилаб олиш ва уларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб шаклланиши омилларини чуқур ўрганиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни такомиллаштириш; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш борасида белгиланган чоратадбирларни такомиллаштириш ва юзага келадиган айрим тўсиқларга барҳам бериш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш учун йўналтирилган инвестициялар ҳажмини ошириш;

- республика ва унинг ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, ассортиментини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш йўллари ишлаб чиқиш.

Умуман, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ўсиб бораётган ички ва ташқи талабни

қондириш учун, бизнингча, авваламбор, жаҳон бозори стандарти талабларига жавоб берадиган, хорижий ишлаб чиқарувчи ва таъминотчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда кучли рақобатга бардош бера оладиган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нафақат маҳсулот ишлаб чиқариб иқтисодиётимизни ривожлантиришга, балки жаҳон ҳамжамияти иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлайди. Бу эса албатта, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига инвестицияларни киритиш билан янги техника ва технологияларни жорий қилиш асосида ҳал этилади

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4563-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли Фармони.
3. Сулаймонов Ш. Аграр иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Самарқанд., 1995.
4. Салимов Б.Т., Абдуғаниев А., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари.// Ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2007, 36-б.
5. Ташпўлатова Л.М. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти.-Т.: ТДИУ, 2004.
6. Karimqulov, Q. M., Uzoqov, I. E., Sarikulov, M. X., & Xursanova, M. Y. (2022). Oziq-ovqat mahsulotlarini sifatini aniqlash va tasniflash usullari. *Science and Education*, 3(9), 157-161.
7. Рискулов, Х. А., Адилов, Т. Т., & Узоқов, И. Э. (2022). Перспектива развития туризма в Узбекистане. *Science and Education*, 3(7), 334-339.
8. Uzoqov, I. E., Lapasova, Z. K., & Jabborxonova, G. A. K. (2022). Oziq-ovqat mahsulotining xavfsizligi: muammolar va yechimlar. *Science and Education*, 3(7), 41-52.
9. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. *Science and Education*, 3(6), 784-788.
10. Uzoqov, I. E., & Bahodirova, N. G. O. Q. (2022). Tovarlar kimyosi ixtisosligida oziq-ovqat mahsulotlarining kimyoviy tarkibining o'rnini. *Science and Education*, 3(12), 365-368.

11. Karimqulov, Q. M., Uzoqov, I. E., & Sarikulov, M. X. (2022). Tovuq go'shtining tarkibini aniqlash va sinflash. *Science and Education*, 3(10), 151-158.
12. Uzoqov, I. E., & AJabborxonova, G. (2022, June). IQLIM O'ZGARISHINI OLDINI OLISH VA IQTISODIY SAMARADORLIKGA ERISHISH. In *Archive of Conferences* (pp. 224-230).
13. Umarov, T., & Bekturov, D. (2021). The main parameters of the cutting process and technological factors affecting the reliability of the axial tool. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1932-1943.
14. Досметов, С. Г., & Бектуров, Д. Х. (2022). Вопросы защиты граждан от опасностей. *Science and Education*, 3(12), 301-308.
15. Gulmetuli, D. S., & Kholtursinovich, B. D. (2022). On the Harmful Effects of Strong Drinks. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 3(11), 135-141.
16. Umarov, T., & Bekturov, D. (2021). Drilling in heat treated steel. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 425-430.
17. Мамадалиева, Н. А. (2022). Ресурсосбережение основа экономического роста. *Science and Education*, 3(12), 427-433.
18. Мамадалиева, Н. А., & Исломова, Р. А. (2022). Кимё Саноатида Ишловчилар Учун Экотуризмнинг Аҳамияти. *Miasto Przyszłości*, 30, 65-68.
19. Mamadaliyeva, N. A. (2021). The Importance of Ecotourism for Those Working in the Chemical Industry. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 1(1), 1-4.
20. Mamadaliyeva, N. A. MACROECONOMIC IMPORTANCE USE AND CONSUMPTION OF PHOSPHATE FERTILIZERS. *GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY*, 9.
21. Мамадалиева, Н. А. (1995). Экономическая эффективность производства фосфорсодержащих удобрений в Узбекистане.
22. Улашев, И. О., Мамадалиева, Н. А., Ашурова, Н. Б., & Кучкаров, Н. С. (2006). Правовая налоговая политика недропользования в Республике Узбекистан. *Горный журнал*, (9), 42-43.
23. Салимов, Х. В., & Мамадалиева, Н. А. (2006). ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В НАВОЙСКОМ РЕГИОНЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. In *Труды международной научно-технической конференции Энергообеспечение и энергосбережение в сельском хозяйстве* (Vol. 4, pp. 336-338). Государственное научное учреждение Всероссийский научно-исследовательский институт электрификации сельского хозяйства Российской академии сельскохозяйственных наук.
24. Sokinaxon, X. J. R. (2022). XALQARO MUNOSABATLARNI BILDIRUVCHI TERMINLARNING STRUKTURAVIY VA SEMANTIK TAHLILI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(3), 355-358.

25. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. *Science and Education*, 3(6), 784-788.
26. Хамрохонова, С. Ж. (2020). ФРЕЙМЫ «ГОСТЬ» И ГОСТЕПРИИМНЫЙ ЧЕЛОВЕК. *Студенческий вестник*, (29-1), 26-27.
27. Хамрахонова, S. J. (2020). THE LINGUOCULTURAL LANDSCAPE OF THE WORLD AND ITS REFLECTION IN LANGUAGE. *Экономика и социум*, (10 (77)), 294-296.
28. Хамрахонова, S. J. (2020). DUNYONING LINGVOMADANIY MANZARASI VA UNING TILDA AKS ETILISHI. *Academic research in educational sciences*, (3), 1199-1203.
29. Jo'raxonovna, S. X. Aspects of Teaching Foreign Languages at a Technical University. Preprint not peer reviewed.
30. Хамрохонова, S. J. (2022). O'zbek tilidagi iboralar tizimini o'rganishning nazariy muammolari. *Science and Education*, 3(10), 659-663.
31. Сариккулов, М. Х. (2021). Ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялашда жисмоний соғломлаштиришнинг аҳамияти. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 881-887.
32. Turdimovich, A. T., & Khasanovich, S. M. (2021). THREATS POSING A DANGER TO CIVILIZATION AND HUMANITY.
33. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. *Science and Education*, 3(6), 784-788.
34. Adilov, T. T., & Sarikulov, M. K. (2021). On the Negative Influence of Radiation on the Human Body. *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 9, 126-130.
35. Адиллов, Т. Т., & Сариккулов, М. Х. (2022). Проблемы экологии и здоровье населения на современном этапе. *Science and Education*, 3(4), 50-58.
36. Adilov, T. T., Sarikulov, M. K., Riskulov, H. A., & Kh, N. (2021). Kuchkarova To Study the Problem of Drinking Water Shortage and Public Health IJAET International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology| e-ISSN: 2792-4025| <http://openaccessjournals.eu>| Volume: 1 Issue: 5 in October-2021 ISSN 2792-4025. Copyright (c), 192-196.
37. Сариккулов, М. Х., & Адиллов, Т. Т. (2019). Некоторые вопросы гражданской защиты на современном этапе. *Вопросы науки и образования*, (2), 30-37.
38. Хунаров, А. М., & Узаков, И. Э. (2022). Современные проблемы экологического районирования. *Science and Education*, 3(9), 218-223.
39. Хунаров, А. М. (2022). ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ. *BARQARORLIK VA YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(4), 66-69.

40. Mamatovich, X. A., & Artykbaevich, R. H. (2021). Recreational zoning of the territory of uzbekistan. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1648-1651.

41. Khunarov, A. M., Kurbanov, S. B., & Yakshimurodova, D. Q. (2022). SOME ISSUES OF DEVELOPMENT OF LARGE INDUSTRIAL CENTERS. *Journal of Geography and Natural Resources*, 2(01), 81-88.

42. Adilov, T. T., Israilova, X. M., Uzohkov, I. E., Axtamov, M. X., & Raxmatullayeva, X. I. (2021). Food security: National food market strategy. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 619-626.

43. Хунаров, А. М., & Узаков, И. Э. (2022). Современные проблемы экологического районирования. *Science and Education*, 3(9), 218-223.